



ҚАТАР ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ: МАҚСАДЛАР ВА НАТИЖАЛАР

и.ф.д., проф. **Абдуллаев Равшан Вахидович**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ORCID: 0000-0003-3539-7602
ravshan.v.abdullaev@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Қатар туризм соҳасини раҷамлаштириш, ҳусусан, туризмга сунъий интеллект, буюмлар интернети-IoT, VR ва 3D каби раҷамли технологияларнинг татбиқ этилиши ҳамда унинг ривожланиши босқичлари очиб берилган. Шунингдек, мақолада раҷамлаштиришининг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири ва натижалари ёритилган.

Калим сўзлар: туризмни раҷамлаштириш, сунъий интеллект, буюмлар интернети-IoT, VR, 3D технологиялари, ақлли шаҳарлар, ақлли меҳмонхоналар, ақлли экскурсиялар, онлайн бронлаштириш, онлайн туризм хизматлари.

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ КАТАРА: ЦЕЛИ И РЕЗУЛЬТАТЫ

д.э.н., проф. **Абдуллаев Равшан Вахидович**
Международная исламская академия Узбекистана

Аннотация. В данной статье раскрывается цифровизация туристического сектора Катара, в частности, применение в туризме таких цифровых технологий, как искусственный интеллект, «Интернет вещей»-IoT, VR и 3D, и этапы его развития. Также в статье освещено положительное влияние и результаты цифровизации на экономику страны.

Ключевые слова: цифровизация туризма, искусственный интеллект, интернет вещей-IoT, VR, 3D-технологии, умные города, умные отели, умные туры, онлайн-бронирование, онлайн-туристические услуги.

DIGITALIZATION OF QATAR TOURISM INDUSTRY: GOALS AND RESULTS

DSc, prof. **Abdullaev Ravshan Vahidovich**
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. This article discusses the digitalization of the tourism sector in Qatar, in particular the application of digital technologies such as artificial intelligence, the Internet of Things (IoT), VR and 3D in tourism, and the stages of its development. The article also highlights the positive impact and results of digitalization on the country's economy.

Keywords: digitalization of tourism, artificial intelligence, internet of things (IoT), VR, 3D technologies, smart cities, smart hotels, smart tours, online booking, online tourism services.

Кириш.

Сўнгги йилларда юртимизнинг мусулмон давлатлари билан ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат, манфаатли ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга асосланган. Мазкур мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар 1997 йилда ўрнатилган бўлса-да, Ўзбекистоннинг Қатардаги биринчи элчихонаси 2023 йилдан фаолият қўрсата бошлади ва у мамлакатлар ўртасидаги маданий-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Инвестициялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, халқаро туризм ва инфратузилмани ривожлантириш борасида амалга оширилиши кўзда тутилган қатор лойиҳалар шулар жумласидандир. Икки давлат ўртасида мунтазам равишда маданий тадбирлар ва делегация алмашинувлари амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса маданий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ўзаро яқинлашувига ёрдам бериши, табиийдир.

Айниқса, туризм соҳасида ҳамкорлик бошқа соҳаларга нисбатан бирмунча жадалроқ ривожланмоқда. Хусусан, Қатар Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишишни истаган сайёҳлар учун асосий манбалардан бири ҳисобланади. Шу боис, қатарликлар томонидан Самарқанд ва Бухоронинг тарихий аҳамиятига катта қизиқиш билдиromoқдалар. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда икки мамлакат ўртасида визасиз кириш режими ўрнатилган, бу эса халқаро туризм ривожига бекиёс ижобий таъсир қўрсатади.

Ҳозида дунё бўйича жадал суръатларда ривожланаётган соҳалардан бири туризм ҳисобланади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, туризм дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) нинг 10,3 фоизини, халқаро инвестицияларнинг 11 фоизини беради. Жаҳон ишлаб чиқаришидаги ҳар ўнинчи ўрин худди шу соҳага тўғри келади. 2019 йилда жаҳон туризмининг ўртacha йиллик ўсиши 3,8 ни ташкил этган, бу эса жаҳон ЯИМ ўсишидан 1 фоизга юқорироқ демакдир (Тухлиев ва Жиянов, 2021). Шунингдек, Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтган Туризм лидерларининг халқаро анжуманида қабул қилинган Декларацияда мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётларга қўшаётган салмоқли ҳиссасини инобатга олиб, “Туризм - замонавий иқтисод феномени”, деб эътироф этилган (Декларация, 2001).

Туризм бизнес жараёнларини глобал миёсда рақамлаштирган илғор тармоқлардан бири бўлиб, рақамли парвозлар ва меҳмонхоналарни онлайн брон қилишни таъминлади. Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) глобал ҳодисага айлангани сайин, туризм янги технологиялар ва платформаларни ҳаётга изчил жорий этувчи бўлиб қолади (Тухлиев ва Максудова, 2024).

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилиб келинмоқда. Бу борада Президентимиз Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида шундай дейилган: “Бизда туризм қўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда” (Мурожаатнома, 2019). Республикаимизда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади (Абдуллаев, 2019).

Қатар туризми ҳақида маҳсус тадқиқотлар бўлмаса-да, бир қатор мақолалар чоп этилган. Жумладан, ТДШУ тадқиқотчилари Ахмедова, Остоновалар томонидан нашр этилган “Қатарда туризмнинг ривожланиши” номли мақолада таъкидланишича, Қатар давлатида туризм мамлакатдаги энг устувор 5 та йўналишнинг бири ҳисобланади. Хусусан, Доха, Ал-Вакра ва Ал-Хаур каби йирик шаҳарларда туристик инфратузилма шиддат билан ривожланмоқда (Ахмедова ва Остонова, 2023).

Қатарда 20 миллиард риал (тажминан 5,5 миллиард АҚШ доллары) қийматидаги йирик «Simaisma» лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу объект Доҳадан 40 дақиқалик масофада шимолда, 8 миллион квадрат метр майдонни эгаллаган ҳолда жойлашади (Qatartourism.com, 2024).

Қатар туризмни ривожлантириш бўйича улкан режаларни амалга ошириб, инфратузилма, меҳмонхона бизнеси ва хорижий меҳмонларни жалб қилиш учун маданий ташаббусларга сармоя киритмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ва туризм кенгаши 2020 йил давомида пандемияси оқибатида дунё бўйлаб сайёҳлик ва туризм индустрясида 50 миллион иш ўрни қисқарганини қайд этмоқда (Худаяров, 2020). Аммо шунга қарамай, пандемия даврида Қатарда туризм индустрясини рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда олиб борилди.

Шунингдек, туризмда рақамлаштириш масалалари, унинг назарий ва амалий жиҳатлари Тухлиев ва Максудовалар (2024) томонидан чоп этилган китобда атрофлича таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, тизимли ва қиёсий таҳлил ва бошқа усууллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон бўйлаб туризм соҳасида рақамли технологияларнинг жорий этилиши туризм 4.0 концепцияси доирасида амалга оширилмоқда. Бу концепция автоном роботлар, виртуал реаллик (VR), сунъий интеллект ва катта маълумотлар каби технологияларни ўз ичига олади. Ушбу технологиялар туризм хизматларини шахсийлаштириш, самарадорлигини ошириш ва мижозлар қониқишини таъминлашга хизмат қиласи.

Туризм индустряси жадал ривожланаётган илғор давлатлар ичida Қатар алоҳида ўрин тутади. Унинг пойтахти Доха шаҳри ҳам замонавий, ҳам тарихий анъаналар уйғунлашган тарзда динамик ривожланиб бораётган мегополислардан ҳисобланиб, бу ерда юқори даражадаги анжуман, фестиваль ва форумларни ўтказиш, халқаро миқёсда спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда мароқли дам олиш учун барча шароитлар мавжуд. Хорижлик бизнесменларга самарали мулоқотлар ўтказишлари учун керакли бўлган замонавий техник воситалар билан жиҳозланган конгрес-марказлар ва олий даражадаги индивидуал сервис хизматлари таклиф этилади.

Қатар давлати ҳам туризм соҳасида рақамли технологияларни жорий этишга эътибор қарататеётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Масалан, Қатар Миллий Туризм Кенгаши (Qatar National Tourism Council) ўзининг расмий веб-сайти ва мобил иловалари орқали туристларга онлайн хизматлар кўрсатишни йўлга қўйган, бу эса ўз навбатида сайёҳларга анчагина қулайликлар яратади. Шунингдек, Қатардаги йирик меҳмонхоналар ва сайёҳлик компаниялари ўз хизматларини рақамли платформалар орқали таклиф қилишмоқда, бу эса туристларга онлайн брон қилиш, тўловларни амалга ошириш ва хизматлардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради.

Қатар «ақлли шаҳарлар» концепциясини ҳаётга татбиқ этувчи илғор давлатлар сирасига киради. Жумладан, Лусайл шаҳри, айнан, туризм инфратузилмасини рақамлаштиришга қаратилган бўлиб, бу ерда замонавий ахборот технологияларини туризм индустрясининг ҳар бир бўғинида қўлаш ва муаммоларнинг “ақлли” ечимларини топишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бу эса туристлар учун янада қулай муҳит яратишга хизмат қиласи.

Мамлакатда “буюмлар интернети”, яъни IoT технологиялари нафақат шаҳар инфратузилмасига, балки туризм соҳасидаги хизматларни ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Масалан, “ақлли меҳмонхоналар” ва уларнинг рақамли бошқарув

тизимлари сайёхларга юқори даражада қулайлик яратади. IoT ускуналари орқали меҳмонхонадаги хона ҳароратини меҳмонлар масофадан назорат қилиш, хизматларни онлайн буюртма қилиш ва тезкор алоқа орқали муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлади (Абдуллаев, 2024).

Рақамли технологияларнинг туризм соҳасига фаол жорий этилиши Қатарнинг жаҳон миқёсидаги туристик жозибадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Қатар аэропортлари ва транспорт тизимида IoT воситалари орқали йўловчилар ҳаракатини кузатиш, оқилона йўналишларни белгилаш ва вақтни тежашга қаратилган автоматлаштирилган тизимлар жорий этилган. Ушбу технологиялар сайёхларга тезкор, қулай ва шахсийлаштирилган хизматларни тақдим этиш имконини беради. Ҳозирда қўйида келтирилган соҳаларда рақамли технологиялардан самарали фойдаланилмоқда:

– Рақамли йўлкўрсаткичлар ва маълумот платформалари: Туристик жойлардаги рақамли йўлкўрсаткичлар IoT асосида ишлайдиган қурилмалар билан интеграция қилинган бўлиб, сайёхларга яқин атрофдаги маълумотлар, ресторонлар, дўконлар ва тарихий обидалар ҳақида маълумот беради.

– Ақлли экскурсиялар: VR ва 3D технологиялари асосидаги аудио ва видео қурилмалар орқали сайёхлар ўзлари учун энг қизиқарли маълумотларни олишлари мумкин. Масалан, QR-код орқали тарихий обидалар ҳақида маълумотлар тингланади.

– Транспортнинг оқилона бошқаруви: IoT тизимлари сайёхларнинг ҳаракатланишини осонлаштириш учун транспорт жадвали, тирбандликлар ва йўналишлар бўйича тезкор маълумотларни тақдим этади.

Шубҳасиз, рақамлаштириш бўйича барча амалга оширилаётган лойиҳалар бевосита ёки бивосита мамлакатда туризм индустриясининг равнақига ҳисса қўшмоқда. 2020 йилда Қатарга 582 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,6 млн. кишини ташкил қилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, ковид пандемияси даврида ташрифлар сони ўзининг энг паст даражасига тушган. Аммо тез орада у 2015 йилдаги ўзининг рекорд даражасига (2,9 млн.) яқинлашган. Бундан келган даромад 2020 йилда 14 млрд. АҚШ долларини ва унинг ЯИМ даги ҳиссаси 9,4 фоизни ташкил этган. “Qatar Tourism” ташкилоти эълон қилган маълумотларга кўра, 2023 йилда мамлакатга ташриф буюрган хорижликлар сони 4,05 млн. кишини ташкил этган.

Қатар ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг июнь ойига қадар мамлакатга 2 639 000 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, 2024 йилнинг ярмидаёқ 2022 йил даражасига чиқсан. Буни агар давлатлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўп ташриф Саудия Арабистонидан (29%) бўлгани ва кейинги ўринларда эса Ҳиндистон (8%), Баҳрайн (5%), Кувайт (4%), Ўмон (4%), Германия (4%), АҚШ (3%), БАА (3%), Италия (2%) турганининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, Қатар давлати 2022 йилда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш асносида меҳмонхона индустрияси ва бошқа инфраструктура лойиҳаларига жами 220 млрд. доллар миқдорида маблағ инвестиция қилди. Спорт тадбирларига бир пайтнинг ўзида 1,4 млн. киши ташриф буюрган. Мазкур чемпионат давомида 64 та мусобақа ўйинлари ўtkazилган бўлса, уларда 3,4 млн. кишидан зиёд томошабин бевосита иштирок этган (www.unwto.org, n.d.). Юқори савияда ўтган бу тадбирлар Қатарнинг халқаро миқёсда йирик спорт мусобақалари ва бошқа халқаро тадбирлар ўтказа олиш салоҳиятига эга эканини ёрқин намоён этди. Эндиликда эса ҳукумат олдида турган энг муҳим вазифа яратилган туристик инфраструктурадан тўлақонли фойдаланиш бўлиб қолмоқда.

“Qatar Tourism” ташкилоти раҳбарининг таъкидлашича, Қатар 2030 йилга қадар сайёҳлар сонини йилига 6 млн. кишига, шунингдек, туризмнинг ЯИМ даги ҳиссасини эса 7 фоиздан 12 фоизга кўтаришни режалаштирган.

Сўнгги йилларда Қатар ҳукумати томонидан туризмни рақамлаштириш стратегияси ишлаб чиқилиб, унга устувор аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатда туризм соҳасига рақамли технологияларнинг фаол жорий этилиши унинг рақобатбардошлигини ошириш ва кўпроқ халқаро сайёҳларни жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда. Шубҳасиз, ушбу саъй-ҳаракатлар нефть ва газ секторига қарамликни камайтиришга қаратилган кенг қамровли иқтисодий диверсификация стратегиясининг бир қисмидир.

Куйидаги жадвалда Қатар туризм индустриясини рақамлаштириш жараёнлари ҳамда онлайн хизматларининг улушининг қай тарзда ортиб борганини қузатишимиз мумкин (1-жадвал).

Рақамлардан кўриниб турибдики, 2020 йилда ковид пандемияси сабабли туристлар сони бирмунча пасайган бўлса-да, рақамли хизматлардан фойдаланиш мунтазам тарзда ошиб борган. Хусусан, мазкур давр мобайнида Онлайн бронлаштириш, Туризмни рақамлаштириш даражаси, Онлайн туризм хизматлари сони, деярли икки баравардан ошган.

1-жадвал

Қатар туризм индустриясини рақамлаштириш

Йиллар	Туристлар сони (млн)	Онлайн бронлаштириш (%)	Туризмни рақамлаштириш даражаси (%)	Онлайн туризм хизматлари сони (минг)
2018	2,1	35	40	120
2019	2,3	40	45	135
2020	0,7	55	50	150
2021	1,2	60	60	180
2022	2,0	70	70	200

Манба: *Qatar National Tourism Council* тегишили йиллардаги маълумоти.

Қатар ҳукумати туризм саноатини рақамлаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Туристлар учун онлайн бронлаш, рақамли гид хизматлари ва мобил иловалар орқали қулайликлар яратилмоқда. Бу чора-тадбирлар туризм саноатининг рақамлаштирилишига ҳисса қўшиб, туристлар тажрибасини яхшилашга қаратилган.

Қатар давлатида иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнлари қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

I босқич: Илк қадамлар (2013-2016 йй.)

– 2013 йил: Қатар Миллий Кенгаши “Қатар Миллий Броадбанд Стратегияси”ни эълон қилди, бу рақамли инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган дастлабки қадамлардан бири бўлди.

– 2014 йил: “Қатар Миллий Кенгаши” ва “Microsoft” компанияси ҳамкорликда “Қатар смарт шаҳар” лойиҳасини бошлади, бу IoT технологияларини шаҳар инфратузилмасига жорий этишга қаратилган эди.

– 2015 йил: Қатар Миллий Туризм Кенгаши (QNTC) туризм соҳасини рақамлаштириш бўйича дастлабки тадқиқотларни бошлади.

– 2016 йил: Туристлар учун онлайн ахборот платформалари ва мобил иловалар яратиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

II босқич: Тадқиқот ва тажриба-синов лойиҳалари (2017-2018 йй.)

– 2017 йил: Қатар университетида IoT технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар бошланди, бу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашга қаратилган эди.

– 2017 йил: Қатар Фонди “Смарт Қатар” дастурини эълон қилди, бу мамлакатда IoT технологияларини кенг жорий этишга қаратилган эди.

– 2017 йил: Туристик объектлар ва меҳмонхоналар учун онлайн бронлаш тизимлари жорий этилди.

– 2018 йил: Туризм соҳасидаги тадбирлар ва хизматлар учун электрон тўлов тизимлари ишга туширилди.

III босқич: Инфратузилмани ривожлантириш, смарт технологияларни жорий этиш (2019-2020 йй.)

– 2019 йил: “Смарт Қатар” дастури доирасида туристлар учун рақамли гид ва виртуал реаллик хизматлари тақдим этилди.

– 2020 йил: COVID-19 пандемияси муносабати билан онлайн турлар ва виртуал экскурсиялар ташкил этилди.

– 2019 йил: Қатар телекоммуникация компанияси 5G тармоғини ишга туширди, бу IoT қурилмаларининг юқори тезлиқдаги интернетга уланишини таъминлади.

– 2020 йил: Қатар миллий банки IoT технологияларини банк хизматларига жорий этиш бўйича лойиҳаларни бошлади.

IV босқич: Рақамли маркетинг ва маълумотлар таҳлили (2021-2022 йй.)

– 2021 йил: Туристик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун “Big Data” технологиялари жорий этилди.

– 2022 йил: Туризм соҳасида рақамли маркетинг компаниялари орқали Қатарнинг жозибадорлиги оширилди.

– 2022 йил: “Қатар миллий Кенгаши” IoT технологияларини қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва транспорт соҳаларида жорий этиш бўйича дастурларни амалга оширеди.

V босқич: Тўлиқ рақамлаштириш ва инновациялар (2023-2024 йй.)

– 2023 йил: Туристлар учун блокчейн технологиялари асосида хавфсиз ва шаффоф хизматлар тақдим этилди.

– 2023 йил: “Қатар смарт шаҳар” лойиҳаси доирасида IoT асосидаги “ақлли” йўллар ва транспорт тизимлари ишга туширилди.

– 2024 йил: Туризм соҳасида AI, яъни сунъий интеллект ва IoT технологиялари кенг жорий этилди.

VI босқич: Янгиликлар ва глобал етакчилик (2025 йил ва кейинги давр):

– 2025 йил: Қатарда IoT технологиялари асосида “ақлли” уйлар ваофислар кенг тарқалди, бу эса мамлакатнинг минтақадаги рақамли технологиялар бўйича етакчи давлатлар сафидан жой олишига асос бўлди.

Юқорида келтирилган босқичлардан кўриниб турибдики, Қатарда туризм соҳасини рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Рақамли технологияларнинг мамлакат иқтисодиётига, хусусан, туризм соҳасига изчил ва тизимили татбиқ этилиши Қатар давлатини мажмуавий ривожлантириш миллий стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакат “**Қатар миллий манзараси-2030**” дастури доирасида туризмни ривожлантириш ва рақамли технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга интилмоқда. Албатта, бу узоқ муддатли стратегия бўлиб, у Қатарни тубдан ўзгартиришга қаратилгандир. Бинобарин, мазкур технологияларнинг туризм индустрияси ривожига ижобий таъсири ва натижалари қўйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

Рақамлаштириш жараёнларида эришилган натижалар:

Рақамли саёҳатчилар сонининг ўсиши: Замонавий туристлар ўз саёҳатларини тобора қўпроқ онлайн режалаштироқдалар. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда Қатарга ташриф буюраётган сайёҳларнинг 70 фоиздан ортиғи чипта, меҳмонхона ва саёҳатларни банд қилиш учун рақамли платформалардан фойдаланади. Бу эса ўз хизматларини рақамли каналларга мослаштирганилар рақобатбардошлигини йўқотаётганини кўрсатади.

Қарор қилиш жараёнининг тезлашуви: Рақамли технологиялар саёҳатларни режалаштириш жараёнини соддалаштиради ва тезлаштиради. Зудлик билан банд қилиш имкониятига эга платформалар ва мобил иловалар сайёҳларга бир неча дақиқа ичида йўналишларни танлаш, нархларни солиштириш ва хизматларни банд қилиш имконини беради, бу эса, айниқса, "сўнгги дақиқада саёҳат" (last-minute travel) каби турларнинг оммалашаётгани шароитда долзарб саналади.

Туристик тажрибани шахсийлаштириши: Сунъий интеллект, Буюмлар интернети-IoT, VR, 3D каби рақамли технологиялар сайёҳларга афзалликларни таҳдил қилиш ва уларга индивидуал маршрутлар, хизматлар ва чегирмаларни таклиф этиш имконини беради. Шахсийлаштириш мижозларни жалб қилиш ва ушлаб туришнинг асосий омили бўлиб қолмоқда, боиси замонавий саёҳатчилар ноёб ва эсда қоларли таассуротларга интиладилар.

Хизмат қўрсатиши сифатини ошириши: Чат-ботлар, виртуал ёрдамчилар ва онлайн гидлар каби рақамли ечимларни жорий этиш орқали сайёҳлар кечак-ю қундуз маълумот ва ёрдам олиш имкониятига эга бўлишади. Бу мижозларнинг қониқишини сезиларли даражада оширади ва ходимларга тушаётган юкни камайтиради.

Халқаро майдонда рақобатбардошлини ошириши: Туризмнинг глобаллашуви мамлакатлар ва минтақалар ўртасида сайёҳларни жалб қилиш бўйича рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Бундай рақобат шароитида рақамлаштириш туризм хизматларини тарғиб қилиш, халқаро бозорларга чиқиш ва ноёб таклифларни яратишнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Иқтисодий самарадорлик: Рақамлаштириш компаниялар фаолиятининг ички жараёнларини оптималлаштириш, харажатларини камайтириш ва даромадларини ошириш имконини бермоқда. Масалан, брон қилиш жараёнларини автоматлаштириш ёки электрон тўлов тизимларини жорий этиш операцион харажатларнинг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, Қатар давлати бугунги кунда иқтисодиётни, хусусан, унинг туризм тармоғини рақамлаштириш орқали ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ туризм индустряси барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб қелмоқда. Рақамли технологияларнинг барча соҳаларга кенг жорий этилиши эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва туризм соҳасидаги рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Пировардида, Қатар нафақат ўз туристик жозибадорлигини оширмоқда, балки меҳмонларга замонавий ва қулай хизматлар кўрсатиб, уларнинг таассуротларини кучайтироқда. Сунъий интеллект, VR, 3D, IoT ва бошқа рақамли технологияларнинг келгуси равнақи Қатар туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда кенг кўламда иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамлаштириш сиёсати олиб борилаётган бир паллада Қатар давлатининг туризм соҳасидаги, хусусан, туризмга рақамли технологияларни татбиқ қилиш бўйича илфор тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида ҳам кенг кўллаш мақсаддага мувофиқдир.

Адабиётлар/Литература/References:

Qatartourism.com. (2024). News and media. [online] Available at: <https://www.qatartourism.com/en/news-and-media>

www.unwto.org. (n.d.). Tourism's Potential Outlined at LDCV, UN Conference on Least Developed Countries. [online] Available at: <https://www.unwto.org/news/un-conference-on-least-developed-countries>.

Абдуллаев Р. (2019). Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиёининг устувор йўналиши сифатида. SHARQSHUNOSLIK. №3, Б.135.

Абдуллаев Р. (2024). Қатар “Буюмлар Интернети”-IoT индустрияси ва унинг туризм ривожига таъсири . Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(11), 372–378.

Абдуллаев, Р. (2024). ҚАТАР “БУЮМЛАР ИНТЕРНЕТИ” - IoT ИНДУСТРИЯСИ ВА УНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ . Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(11), 372–378. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss11-pp372-378>.

Ахмедова Ю., Остонова Ш. (2023). Развитие туризма в Катаре. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. №3.

Декларация (2001) Осакская декларация современности (Принята Конференцией лидеров туризма Тысячелетия 30 сентября-1 октября 2001. в г. Осака, Япония) <http://www.unwto.org>

Мурожсаатнома (2019) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожсаатномасидан, 28.12.19й.

Тухлиев Н., Жиянов Ў. (2021) Туризм иқтисодиёти ва менежменти: дарслик/ -Т.: “Илм-зиё-заковат” нашриёти.

Тухлиев Н., Максудова Ш. (2024) Туризмда раҳамлаштириш. “Илм-зиё-заковат” нашриёти, -Т.: 2024.

Худояров А. (2020). Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг ривожланиши хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. – Тошкент: Complers Print.